



## Milli Kültür Araştırmaları Dergisi (MİKAD) / Cilt 5 - Sayı 1

**Sorumlu Yazar:** Shoirakhon NURDİNOVA / Namangan Devlet Üniversitesi, Dr. Öğretim Görevlisi, [sh.nurdinova@gmail.com](mailto:sh.nurdinova@gmail.com)  
**ORCID ID:** 0000-0002-2080-6031

**Atıf:** Nurdinova, S. (2021). İKTİSODİET VA BAHT: ADABİETLAR TAHLILI. Milli Kültür Araştırmaları Dergisi, Cilt 5, Sayı 1, 126-134.

Gönderim Tarihi: 14 Mayıs 2021 / Kabul Tarihi: 21 Mayıs 2021

## İKTİSODİET VA BAHT: ADABİETLAR TAHLILI

### Аннотация

Мазкур тадқиқотнинг мақсади иқтисодий ва бахт ўртасидаги боғлиқликни ўрганишдир. Ушбу мақсадда тадқиқотда адабиётларни тизимли таҳлили усулидан фойдаланилган. Таҳлил Дунё Бахтиёрлик Маълумотлар Базасидан ўрин олган маълумотларга асосланади. Таҳлил натижаларига кўра, иқтисодий ўсиш ва бахт ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

**Калит сўзлар:** иқтисодий, бахт, адабиётлар таҳлили

## ECONOMY AND HAPPINESS: LITERATURE ANALYSIS

### Abstract

The aim of this study is to investigate the relationship between economy and happiness. I use the systematic analysis of the literature. The analysis is based on findings from the World Happiness Database. Results reveal that there is a direct link between economic growth and happiness.

**Keywords:** Economics, Happiness, Literature Analysis

### Кириш

Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш ва бахт ўртасидаги боғлиқлик илмий адабиётда энг кўп муҳокама қилинадиган масалалардан биридир. Бу масала илк бора Easterlin (1974) томонидан 1946-1970 йилларни қамраб олган маълумотлар асосида иқтисодий ва бахт(иёрлик) орасидаги боғлиқликни тадқиқ қилинган. Тадқиқот 19 мамлакат, шу жумладан, Осиё, Африка ва Лотин Американинг 11 мамлакатидан тўпланган анкета натижаларига таянади. Тадқиқот натижалари мамлакат ичида даромад ва бахт орасида ижобий боғлиқликни қайд этган. АҚШ мисолидаги вақтли қатор маълумотлари асосидаги натижалар эса даромад ва бахт орасидаги сезиларли боғлиқлик мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бахтиёрлик иқтисодийга “Easterlin парадокси” номи билан кирган мазкур тушунча вақт ўтиши билан иқтисодий ўсиш суръати бахтга сезиларли таъсири кўрсатмаслигини изоҳлайди. Мазкур парадоксни синаб кўриш мақсадида бир неча олимлар эмпирик тадқиқотлар олиб борилган ва мазкур тадқиқот натижалари бир-биридан

фарқланади (Stevenson and Wolfers 2008; Di Tella and MacCulloch 2008; Angeles 2011). Фарқлар ўзаро боғлиқлик қисқа ёки узок муддатларда турли натижалар кўрсатиши билан изоҳланади. Clark, Frijters, and Shields (2008) мавзу бўйича кенг камровли адабиётлар таҳлили асосида даромад ва субъектив фаровонлик орасида ижобий боғлиқлик мавжудлигини аниқлаган. Бу боғлиқлик пасайиб бориш хусусиятига эга эканлиги қайд этилган. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ҳаётдан қониқишнинг ўртача даражаси ЯИМдаги ўзгаришларни яққол акс эттиради, бу ҳолат, айниқса, ўтиш жараёнларинг тизим барқарорлашгунга қадар дастлабки ўн йиллигида кузатилади.

Шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлиги даражасининг жамият бахт даражасига таъсири бўйича натижалар фарқланади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги иқтисодий ўсиш ва бахт орасида ижобий боғлиқлик кузатилса, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг бахтга сезиларли таъсири қайд этилмайди.

Шу нуқтаи назардан мазкур тадқиқотда мавжуд илмий адабиётлар ўрганилиб, иқтисодий ўсиш ва бахт орасидаги боғлиқлик тизимли таҳлил қилинади. Бунда иқтисодий ўсиш билан боғлиқ натижалар шарҳланади.

### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур тадқиқотда адабиётларни тизимли таҳлили усулидан фойдаланилган. Тадқиқот Дунё Бахтиёрлик Маълумотлар Базасидан ўрин олган маълумотларга асосланади.

### **Бахтиёрлик иқтисодиётига оид адабиётларнинг танқидий таҳлили**

Бахтиёрлик иқтисодиёти бўйича мавжуд адабиётларни иккига ажратиш мумкин:

- Иқтисодий ўсиш ва бахт орасида салбий боғлиқликни аниқлаган адабиётлар
- Иқтисодий ўсиш ва бахт орасида ижобий боғлиқликни аниқлаган адабиётлар (1-жадвал).

Fischer (2008) 1972-2004 йиллар учун АҚШдаги иқтисодий ўсиш ва бахт даражаси орасидаги боғлиқликни ўрганган. 2003-2005 йилларда аҳоли жон бошига ЯИМ, нархлардаги инобатга олинган ҳолда, 1972-74 йилларга нисбатан 1,8 баравар ўсган бўлишига қарамай, ўртача бахт даражасида сезиларли ўзгармаган. Корреляция натижалари ўртача бахт даражаси ва жон бошига ЯИМ орасидаги салбий боғлиқликни кўрсатади ( $r = -.07$ ). Тадқиқотда парадокснинг амалий натижаси яна бир бор текширилган, парадокс бойлик ўлчови сифатида ЯИМга асосланганлиги, лекин кишиларнинг фаровонлигини ўлчашнинг оқилона ечими эмаслиги назарда тутилган. ЯИМ ўрнига уй хўжалиги даромади, эркак даромади ва ўртача даромад парадоксни йўқотади. Бу кўрсаткичлар бахт даражасига параллел равишда секин ошади ёки пасаяди. Бундан ташқари, бу кўрсаткичлар моддий фаровонлик ва миллий бахт орасидаги мўътадил ва ҳақиқий боғлиқликни кўрсатиши қайд этилган.

Van Hemert, Van De Vijver, and Poortinga (2002) 1980-1987 йилларга оид 23 мамлакатдаги ўртача иқтисодий ўсиш ва бахт орасидаги салбий боғлиқлик мавжудлигини исботлаган ( $r = -.30$  ns). Тадқиқот натижаси статистик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас.

Easterlin (2005) Японияда 1962-1987 йиллари орасида сезиларли иқтисодий ўсиш қайд этилишига қарамай, бахт даражаси ўзгаришсиз қолганини илгари суради. АҚШда 1972-2000 йилларида жон бошига ЯИМ ва бахт даражаси орасида заиф, статистик жиҳатдан аҳамиятсиз позитив боғлиқлик қайд этилган.

Bartolini (2009) 14 ривожланган ва 5 ривожланаётган мамлакат мисолида ижтимоий капитал ва субъектив фаровонлик орасидаги тенденциясини баҳолаган. Корреляциялар субъектив фаровонлик ва жон бошига ЯИМ орасидаги боғлиқликни ифодалайди ва бунда Easterlin va Angelescu (2009) усули қўлланилган. Натижалар Easterlin усулини тасдиқлаб, узоқ муддатда субъектив фаровонлик ва жон бошига ЯИМ орасида боғлиқлик кузатилмаслигини кўрсатган.

Vjørnskov (2014) белгиланган таъсирлар усулида жон бошига ЯИМнинг ҳаётдан қониқишга негатив таъсири кузатилган ( $b = -.03$   $p < .01$ )

Ouweneel (1987) Европа иттифоқининг 9 аъзо-мамлакатларидаги 1975-1986 йиллардаги ЯИМ ўзгариши ва бахт даражасидаги ўзгариш орасидаги боғлиқлик тадқиқ қилинган. Тадқиқот натижалари Бельгия ( $r = -.30$ ), Дания ( $r = -.30$ ), Бирлашган Қироллик ( $r = -.73$ ), Франция ( $r = -.13$ ), Италия ( $r = -.28$ ) ва Люксембург ( $r = -.19$ )да ЯИМ ўзгариши ва бахт даражасидаги ўзгаришига салбий таъсирини кўрсатган. Stevenson and Wolfers (2008) Easterlin парадоксини қайта баҳолаб, бир неча йиллик маълумотлар асосида кенг кўламда таҳлил қилган. Тадқиқот натижалари субъектив фаровонлик ва жон бошига ЯИМ ўртасида аниқ ижобий боғлиқлик борлигини кўрсатган. Тадқиқотчилар бой мамлакатлардаги субъектив фаровонликда маълум нуқтадан сўнг ўсиш кузатилмаслиги ҳақидаги гипотезасидан келиб чиққан ҳолда, тўйиниш нуқтасини текшириб, унинг мавжуд эмаслигини қайд этган. Мамлакатдаги даромадлардаги ўзгариш ва субъектив фаровонликнинг ўзгариши баҳоланганда, иқтисодий ўсиш бахт даражасининг кўтарилишига таъсир қилиши илгари сурилган. Шу билан бирга, Бельгияда ( $r = -.34$ ) иқтисодий ўсиш ва субъектив фаровонлик орасида негатив боғлиқлик ёритилган. Тадқиқотда Дания ( $r = +.08$ ), Греция ( $r = +.12$ ), Франция ( $r = +.63$ ), Ирландия ( $r = +.06$ )даги иқтисодий ўсиш ва фаровонлик орасида ижобий боғлиқлик қайд этилган.

Ball and Chernova (2008) Easterlin парадоксини текшириш мақсадида юқори даромадли кишиларнинг ўртача бахт даражасини даромади паст қатламнинг ўртача бахт даражаси билан таққослаган. Юқори даромадлилар кам даромадлиларга нисбатан бахтли эканлиги қайд этилиб, бахт даражасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли деб топилган (98%). Мамлакатнинг жон бошига ЯИМ қиймати юқори бўлса, индивидуаллар бахтлироқ бўлиши, мутлоқ даромадга нисбатан нисбий даромаднинг бахт даражасига таъсири юқори эканлиги кузатилди.

Senik (2014) Европа ичида бошқа мамлакатда истиқомат қилаётган европаликлар билан таққослаганда, французлар энг ҳаётдан қониқиш даражаси паст.

Vjørnskov, Gupta, and Pedersen (2008) 15 Европа мамлакатада иқтисодий ўсиш тезланишига таъсир кузатилса-да, фаровонликка таъсир қилмайди ( $\beta = -.09$  ns). Қўшни мамлакатлар билан солиштирилганда, ЯИМнинг тез суръатларда ўсиши ва давлат харажатларининг ўсиши фаровонликка ижобий таъсир қилади.

Vonasia ва бошқ. (2018) Европанинг саккиз мамлакатнинг еттисида 1980-2013 йилларига оид маълумотлари асосида иқтисодий ўсиш ва ўртача бахт

даражаси орасида ижобий боғлиқлик борлигини исботлаган. 2008 йилдан кейинги иқтисодий ўсишнинг бахт даражасига таъсири сезиларли ортган.

Ovaska and Takashima (2006) 68 мамлакатга оид 1990-2001 йиллари маълумотлари асосида иқтисодий ўсиш ва бахт даражасини ўрганиб, жон бошига ЯИМнинг йиллик ўртача ўсиши 3 марта ортиши ёки 3000 АҚШ доллари миқдорида кўшимча даромадга эга бўлиши ҳаётдан қониқш даражасини 6.63 дан 6.68га ортишини таъминлашини кўрсатган.

Rodríguez-Pose and Maslauskaitė (2012) томонидан Марказий ва Шарқий Европанинг 10 мамлақатида ҳаётдан қониқиш ва жон бошига ЯИМ орасидаги боғлиқлик ўрганилган. 1999 ва 2008 йилги регрессия натижалари жон бошига ЯИМ ва бахт орасида ижобий боғлиқликни қайд этган (мос равишда  $b = +.05$   $p < .001$  ва  $b = +.02$   $p < .001$ ).

Cheung (2018) 33 мамлакатнинг 1989 – 2012 йилларга оид маълумотлари асосида ҳаётдан қониқиш ва ЯИМ орасида ижобий корреляция мавжудлиги кўрсатган ( $r = +.19$   $p < .01$ ). Вақт бўйича ўзгарувчи таъсирлар ва мамлакат даражасидаги омиллар эътиборга олинганда, ЯИМнинг бахт даражасига ижобий таъсири кузатилган ( $b = +.76$   $p < .001$  ва  $b = +.43$   $p < .001$ ).

Ouweneel (1987) 1975-1986 йилларда Нидерландия, Ирландия ва Ғарбий Германияда ЯИМдаги ўзгариш ва ўртача бахт даражаси ўртасида ижобий боғлиқлик борлигини аниқлаган: натижалар мос равишда  $r = +.12$ ,  $r = +.06$  ва  $r = +.29$  га тенг.

Veenhoven and Hagerty (2006) АҚШда иқтисодий ўсиш ва бахт орасида заиф, лекин ижобий боғлиқлик борлигини кўрсатган. 1946-2004 йилларига оид маълумотлар бой мамлакатларда ўртача бахт даражаси паст даражада ошганини, фақир мамлакатларда нисбатан юқорироқ ортганини кўрсатади. Шунингдек, умр давомийлиги ортгани сабабли бахтли ҳаёт йиллари ҳам ортгани қайд этилади. 1950-йиллардан бери ўртача бахт даражаси сезиларди даражада ошгани кузатилган.

Easterlin парадокси мамлакатдаги иқтисодий ўсиш кишиларнинг ўртача бахт даражасида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлмаслигини кўрсатган. Бу фикр 1970-йиллардаги маълумотлар асосида ёритилган. Кейинчалик бахт иқтисодиётига оид маълумотларнинг аксарияти мазкур тезисни рад этган. Veenhoven томонидан Дунё Бахтиёрлик Маълумотлар Базасидан ўрин олган 67 мамлакатдаги 199 вақтли қатор маълумотлари ЯИМнинг ўсиши ва халқларнинг бахт даражаси орасида боғлиқлик борлигини кўрсатади. Аксарият мамлакатларда иқтисодиёт ҳам, бахт даражаси ҳам ортгани кузатилди: иқтисодиёт кўпроқ ўсган мамлакатда ўртача бахт даражаси ҳам кўпроқ ортгани кузатилган. Veenhoven фикрича, ЯИМдаги 1%лик ўсиш, ўртача бахт даражасида 0,00335 лик ўсишга олиб келади. Тўлиқ бахтга эришиш 60 йил давомида ўртача 5% иқтисодий ўсишни талаб қилади.

Fahey and Smyth (2004) томонидан олиб борилган тадқиқотда жон бошига ЯИМга нисбатан иқтисодий ўсишнинг ҳаётдан қониқишга таъсири камроқ эканлигини таъкидланиб, 33 Европада жон бошига ЯИМнинг ҳаётдан қониқишга ижобий таъсирини кўрсатилган.

Helliwell et al. (2014) 157 мамлакатда 2005-2012 йиллардаги жон бошига ЯИМ аҳоли фаровонлигига ижобий таъсирини аниқлаган. Муаллифлар иқтисодий маҳсулдорлик орқали бошқарув сифатининг бахтга таъсирини баҳолаганда, коэффициент 0,84 дан 0,74га пасайган. Адолатли бошқарувнинг ҳаёт сифатига

таъсири жон бошига ЯИМнинг маълум бир қисми орқали ифодаланган. Бошқарувнинг яхшилиги иқтисодий тузилиш ва ҳажмига таъсир қилиб, ЯИМ билан таъминланган фаровонлик даражасини оширишга имкон беради. Коррупция даражасининг пастлиги, ижтимоий хавфсизлик, юқори ишонч, жамиятнинг истаган товар ва хизматларни харид қилиш қобилиятини ошириб, мудофаа харажатларини пасайтиради.

Baltatescu (2006) 2001-2005 йилларга оид Европанинг 27 мамлакатадаги ҳаётдан қониқишни ўрганган. Европа иттифоқида янги аъзо бўлган ва номзод-мамлакатлардаги иқтисодий ҳолат барқарор бўлмаса-да, Словения юқори субъектив фаровонлик даражасига эга эканлиги қайд этилган. Жон бошига ЯИМ бўйича кўрсаткичлар ва бахт даражаси доим ҳам мос равишда боғлиқлик кузатилмаган. Испаниядан ташқари Ўрта ер денгизи мамлакатларидаги жон бошига ЯИМ юқори бўлишига қарамай, субъектив фаровонлик даражаси пастдир.

Slag (2017) Жанубий Кореяда нисбий бахт назариясини эмпирик текшириб, вақт ўтиши билан ўртача бахт даражасида ортиш кузатилганини илгари суради. Макродаражада иқтисодий ўсиш ва бахт ўртасида ижобий боғлиқлик кузатилди. Микродаражада бахт ва даромад ўртасида яна-да кучли боғлиқлик қайд этилди. Таҳлиллар, Жанубий Корея аҳолисининг турли хусусиятлари ва кичик гуруҳларида ўтказилди. Мазкур тадқиқотда Easterlinнинг Жанубий Кореяда ҳаётдан қониқиш ва иқтисодий ўсиш бўйича тадқиқотидан фарқли ўлароқ бахт маълумотларидан фойдаланилган.

#### 1-жадвал. Мавзуга оид натижалар рўйхати

Муаллиф	Натижа	Изоҳ	Мамлакат/йил
(Bonasia, Napolitano, и Spagnolo 2018)	Beta =+ <b>ns</b>	Инқироздан олдин + 0.007 Инқироздан кейин + 0.015	Германия 1980-2013 йиллар
	Beta = + <b>p &lt; .05</b>	Инқироздан олдин + 0.095 Инқироздан кейин + 0.076	Дания 1980-2013 йиллар
	Beta = + <b>s</b>	Инқироздан олдин +.12 (05) Инқироздан кейин +.22(01)	Испания 1980-2013 йиллар
	Beta = + <b>ns</b>	Инқироздан олдин + 0.024 Инқироздан кейин + 0.012	Франция 1980-2013 йиллар
	Beta = + <b>p &lt; .001</b>	Инқироздан олдин + 0.284 Инқироздан кейин + 0.336	Греция 1980-2013 йиллар
	Beta = + <b>p &lt; .05</b>	Инқироздан олдин + 0.068 (.05) Инқироздан кейин +	Ирландия 1980-2013 йиллар

		0.132 (.01)	
	Beta = + <b>p &lt; .05</b>	Инқироздан олдин + 0.262 Инқироздан кейин + 0.272	Италия 1980-2013 йиллар
	Beta = + <b>p &lt; .001</b>	Инқироздан олдин + 0.214 Инқироздан кейин + 0.212	Нидерландия, 1980- 2013 йиллар
	Beta = + <b>.03 ns</b>		Португалия, 1980- 2013 йиллар
(Easterlin 2005)	b = + <b>.07 ns</b>	Японияда ўртача бахт/жон бошига реал ЯИМ	Япония, 1958-1987 йиллар
	b = + <b>.01 ns</b>	ўртача бахт/ жон бошига реал ЯИМ	АҚШ, 1972-2000 йиллар
(Stevenson и Wolfers 2008)	b = + <b>.58 p &lt; .01</b>		
	b = + <b>.11 ns</b>	Ўн йиллик фарқлари таққосланганда, ўхшаш натижалар (1970-йиллар, 1980-йиллар ..)	
	r = <b>-.34</b>	Бельгия	
	r = + <b>.08</b>	Дания	
	r = + <b>.12</b>	Греция	
	r = + <b>.63</b>	Франция	
	r = + <b>.06</b>	Ирландия	
	r = + <b>.10</b>	Италия	
	r = + <b>.41</b>	Нидерландия	
	r = + <b>.45</b>	Бирлашган Қироллик	
	r = + <b>.21</b>	Ғарбий Германия	
	b = + <b>.24 p &lt; .05</b>	жон бошига ЯИМ ўзгаришида ўртача бахт даражасидаги ўзгариш боғлиқлик b текширилди: - ишсизлик даражаси - фиктив ўзгаришлар	Япония 1958-2007
	r = + <b>.27</b>		61 мамлакат, 1981- 2004
	b = + <b>.11 ns</b>		61 мамлакат, 1981- 2004
	r = + <b>.70</b>		61 мамлакат, 1981- 2004
b = + <b>.31 p &lt; .01</b>	жон бошига ЯИМ ўзгаришида ўртача бахт даражасидаги ўзгариш боғлиқлик	61 мамлакат, 1981- 2004	

	$b = +.56$ $p < .01$	жон бошига ЯИМ ўзгаришида ўртача бахт даражасидаги ўзгариш боғлиқлик	61 мамлакат, 1981-2004
	$b = +.31$ $p < .05$		61 мамлакат, 1981-2004
	$r = +.30$	жон бошига ЯИМ ўзгаришида ўртача бахт даражасидаги ўзгариш боғлиқлик (Европа иттифоқининг 9 давлатида вақтга кўра корреляция)	61 мамлакат, 1981-2004
(Slag 2017)	$b = +.54$ ns	Йилларга кўра жон бошига ЯИМ ўзгаришида ўртача бахт даражасидаги ўзгариш	Жанубий Корея 1981-2010
	$b = +.17$ $p < .05$	Йилларга кўра жон бошига ЯИМ ўзгаришида ўртача бахт даражасидаги ўзгариш	Жанубий Корея 1981-2010
	$b = +2.6$ ns		18 ёшдан катталар, Жанубий Корея 2006-2015
	$b = +.00$ $p < .01$	$b = +0.00006$ Йилларга кўра жон бошига реал ЯИМ ўзгаришида ўртача бахт даражасидаги ўзгариш (илк ва сўнгги йилги бахт маълумотлари фарқи олинди)	Жанубий Корея 1981-2015
	$b = +.89$ $p < .05$	Йилларга кўра жон бошига реал ЯИМ ўзгаришида ўртача бахт даражасидаги ўзгариш (илк ва сўнгги йилги бахт маълумотлари фарқи олинди)	
(Fischer 2008)	$r = -.07$	1972-2004 йиллар	АҚШ, 1972-2004
	$r = -.01$	2002 йилдан ташқари	АҚШ, 1972-2004
	$r = -.22$	1972 йилдан ташқари	АҚШ, 1972-2004
	$r = -.16$	1972 ва 2002 йилдан ташқари	АҚШ, 1972-2004

(Veenhoven и Hagerty 2006)	b = <b>+.00 ns</b>	ЯИМ ўзгаришида ўртача бахт даражасидаги ўзгариш боғлиқлик b=+.002	АҚШ 1946-2004
	b = <b>+.00 ns</b>	b=+0.002	АҚШ 1946-2004
	b = <b>+.01 p &lt; .05</b>	b=+0.008	АҚШ 1946-2004
	b = <b>+.02 p &lt; .05</b>	b=+0.016	АҚШ 1946-2004

Манба: Дунё Бахтиёрлик Маълумотлар Базаси маълумотлари асосида муаллиф шиланмаси

### Хулоса ва таклифлар

Мазкур тадқиқотда иқтисодиёт ва бахт орасидаги боғлиқлик бўйича қилинган эмпирик тадқиқот натижалари таҳлил қилинди. Тадқиқотларда бахт тушунчаси субъектив фаровонлик ва ҳаётдан қониқиш атамалари билан бир маънода қўлланганлиги сабабли мазкур атамалар ҳам натижаларда ўз аксини топган. Мавзуга оид адабиётлар ўзаро боғлиқликнинг ижобий ёки салбий эканлигига кўра иккига ажратилган. Адабиётлар таҳлили иқтисодиёт ва бахт орасида боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлайди. Ривожланган мамлакатларда жон бошига ЯИМнинг миқдори ортиши, бахт даражасида жуда кичик ўзгаришга олиб келади ёки салбий боғлиқликни ифода этади. Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш ва бахт даражаси орасида ижобий боғлиқлик кузатилган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Angeles, Luis. 2011. "A Closer Look at the Easterlin Paradox." *The Journal of Socio-Economics* 40 (1): 67–73.
- Ball, Richard, and Kateryna Chernova. 2008. "Absolute Income, Relative Income, and Happiness." *Social Indicators Research* 88 (3): 497–529.
- Baltatescu, Sergiu. 2006. "Transition Is over, Wait to See the Benefits: A Comparative Evaluation of the Effects of Post-Communist Transition on Life Satisfaction." *The End of Transitions*.
- Bjørnskov, Christian. 2014. "Do Economic Reforms Alleviate Subjective Well-Being Losses of Economic Crises?" *Journal of Happiness Studies* 15 (1): 163–82.
- Bjørnskov, Christian, Nabanita Datta Gupta, and Peder J. Pedersen. 2008. "Analysing Trends in Subjective Well-Being in 15 European Countries, 1973–2002." *Journal of Happiness Studies* 9 (2): 317–30.
- Bonasia, Mariangela, Oreste Napolitano, and Nicola Spagnolo. 2018. "Happy PIIGS?" *Journal of Happiness Studies* 19 (6): 1763–82.
- Cheung, Felix. 2018. "Income Redistribution Predicts Greater Life Satisfaction across Individual, National, and Cultural Characteristics." *Journal of Personality and Social Psychology* 115 (5): 867.
- Clark, Andrew E., Paul Frijters, and Michael A. Shields. 2008. "Relative Income, Happiness, and Utility: An Explanation for the Easterlin Paradox and Other Puzzles." *Journal of Economic Literature* 46 (1): 95–144.



- Di Tella, Rafael, and Robert MacCulloch. 2008. "Gross National Happiness as an Answer to the Easterlin Paradox?" *Journal of Development Economics* 86 (1): 22–42.
- Easterlin, Richard A. 1974. "Does Economic Growth Improve the Human Lot? Some Empirical Evidence." In *Nations and Households in Economic Growth*, 89–125. Elsevier.
- . 2005. "Diminishing Marginal Utility of Income? Caveat Emptor." *Social Indicators Research* 70 (3): 243–55.
- Fahey, Tony, and Emer Smyth. 2004. "The Link between Subjective Well-Being and Objective Conditions in European Societies." *European Values at the Turn of the Millennium* 7: 57–80.
- Fischer, Claude S. 2008. "What Wealth-Happiness Paradox? A Short Note on the American Case." *Journal of Happiness Studies* 9 (2): 219–26.
- Helliwell, John F., Haifang Huang, Shawn Grover, and Shun Wang. 2014. "Empirical Linkages between Good Government and National Well-Being." National Bureau of Economic Research.
- Ouweneel, P. 1987. "Geluk Volgt Welvaart. (Happiness Follows Welfare)." *Economisch Statistische Berichten* 3622: 840–42.
- Ovaska, Tomi, and Ryo Takashima. 2006. "Economic Policy and the Level of Self-Perceived Well-Being: An International Comparison." *The Journal of Socio-Economics* 35 (2): 308–25.
- Rodríguez-Pose, Andrés, and Kristina Maslauskaitė. 2012. "Can Policy Make Us Happier? Individual Characteristics, Socio-Economic Factors and Life Satisfaction in Central and Eastern Europe." *Cambridge Journal of Regions, Economy and Society* 5 (1): 77–96.
- Senik, Claudia. 2014. "The French Unhappiness Puzzle: The Cultural Dimension of Happiness." *Journal of Economic Behavior & Organization* 106: 379–401.
- Stevenson, Betsey, and Justin Wolfers. 2008. "Economic Growth and Subjective Well-Being: Reassessing the Easterlin Paradox." National Bureau of Economic Research.
- Van Hemert, Dianne A., Fons JR Van De Vijver, and Ype H. Poortinga. 2002. "The Beck Depression Inventory as a Measure of Subjective Well-Being: A Cross-National Study." *Journal of Happiness Studies* 3 (3): 257–86.
- Veenhoven, Ruut, and Michael Hagerty. 2006. "Rising Happiness in Nations 1946–2004: A Reply to Easterlin." *Social Indicators Research* 79 (3): 421–36.